

ТОҶИГ ҲОЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

Америкага дам олишга боришади



Нигора Каримова, Ирода Сайдалиева, Ширин Расулова, Санжар Маликов, Ғафилер Раҳимов... Улар II нафар. Бухоро, Тошкент, Сурхондарё... Қисқаси, жонажон диёримизнинг турли бурчакларидан тўпланган бир гуруҳ ёшлар куни-кеча Америка сафарига жўнаб кетишди.

Республикамиз Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг америкалик ҳамюртимиз Рўзи Назар бошчилигидаги "Мерос" Халқаро ташкилоти билан дўстона ҳамкорликни тиклаганларига ҳам бир йилдан ортиқ вақт бўлди. Бу орада талайгина ибратли ишлар, тadbирлар амалга оширилди. Ўзбекистонлик болаларнинг Америкада дам олиб

қайтишлари, ўз навбатида америкалик ёшларнинг ҳам республикамизга ташрифи ана шу ҳамкорликнинг мевасидир.

Американинг Бетферд штатидаги қуюқ ўрмонлар орасига жойлашган Халқаро оромгоҳ бор. Бу ерда ҳар йили турли мамлакатлардан келган жуда кўплаб болалар ҳордиқ чиқаришади. Ҳамюртимиз Рўзи Назар ташаббуси, саъи-ҳаракатлари туфайли бу йил қирғизистонлик ҳамда ўзбекистонлик болалар ҳам ана шу худди эртақлардагидек сеҳрли оромгоҳда дам олиш бахтига муяссар бўлдилар. Бунинг учун зарур бўлган сарф-харажатларнинг ҳаммасини америкаликлар ўз зиммаларига олиш-

лозим.

Омади чопган болалар кимлар ва улар бу бахтга қандай муяссар бўлишди, деган савол тугилади ўз-ўзидан. Халқаро "Мерос" ташкилоти вакиласи Мелиса Боден Хамерн хоним диёримизга ташриф буюриб, бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларни тест саволлари асосида синаб кўрди. Унинг ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонимиз, унинг ўтмиши ва келажаги ҳақидаги саволларига II нафар ўқувчи тўлиқ жавоб қайтариб, ота-оналари, устозлари, қолаверса, республикамиз ёшлари ишончини оқладилар. Мухими, савол-жавоблар тўлиқ инглиз тилида олиб борилди. Тест саволларининг асосий шартларидан бири ҳам инглиз тилида бемалол мулоқотда бўла олиш эди-да.


(Давоми 2-бетда).

Уоппоқ, кўркам, мағрур, ёллари тарам-тарам. Мардлик, жасурлик, ғалаба тимсоли. Худди эртақлардагидек салобат билан бир-бир қадам ташлаб Тошкентдаги 22-болалар уйи ҳовлисига кириб келяпти. Болалар уйи болаларининг, каттаю кичикнинг, ўғилу қизнинг ҳайратини, севинчини таърифлашга сўз ожиз. Чунки бу кўркам от уларники, уларга совға. Яна кимдан денг, муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовдан тухфа!

Болаларимиз учун бунданда азизроқ, ардоқлироқ совға бўлмаганидек, биз катталар учун ҳам фарзандларимиз бахтиёрлигиданда буюкроқ бахт йўқ.

**Оппоқ тулпор, кўркам тулпор,
Мағрур қадам ташлайвер.
Мардлик, поклик рамзи мисол,
Эзгуликка бошлайвер!**


**Президент
совға қилган
тулпор**



ўспиринлар бу ерда хунар ўрганиш билан бирга меҳнат қилиб, пул топадилар ҳам.

Тошкент шаҳридаги бу Болалар меҳнат биржаси ҳақида сиз азиз газетхонларга аввал ҳам хабар берган эдик. Аммо унда биржа ўз фаолиятини эндигина бошлаган эди. Бугун эса у болаларнинг сеvimли масканига айланган.

Биржа ташкилотчиси — Мирзо Улуғбек туманидаги болалар ижод марказидир. Унинг қошида ташкил этилган турли тўғарақлар биржа билан ҳамкорлик қилади. Бугунги кунда бу тўғарақларга мингдан ортиқ болалар жалб этилган. Улар бадний тўғарақлар — экибана (гуллар билан безаш), банзай, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, теле-радиоаппаратураларни,



ишлари учун катталардек ҳақ олишгани учун ҳам барча қилинаётган ишлар озода ва кўркам.

Болалар меҳнат биржасининг тижорат билан шугулланувчи бўлими ҳам мавжуд. Биржа Вильнюс, Брест, Львов шаҳарлари билан туризм бўйича шартнома тузган. Биржа ходимлари — болалар ўз тенгдошларига бу шаҳарларга йўлланмалар тарқатишади. Гуруҳ ташкил қилинган, саёҳатга жўнашади. Бундан ҳам чакки даромад тушаётгани йўқ. Яқиндагина ташкил этилган сув туризми тўғарағи ҳам кўпчиликка маъқул тушмоқда. Яқинда спортнинг бу тури билан шугулланишни истаганларнинг биринчи гуруҳи ташкил этилиб, саёҳатга йўл олди. Бу сафар болаларнинг йўл харажатларини Тошкент трактор заводи ўз зиммасига олди.

Биржанинг келажақда қилиши керак бўлган яна бир қанча ишлари бор. Сентябрь ойидан

Ишлайсизми, ё хунар ўрганасиз? Марҳамат!

манший ускуналарни сошлаш тўғарақларида хунар ўрганишади. Шу билан бирга Биржа шартнома тузган корхона ва муассасаларнинг буюртмаларига асосан иш бажаришади. Ойлик маош ҳам шунга асосан берилади. Болалар ишлаб топган маблагнинг 15-30 фоизи биржа ҳисобига ўтади. Қолган 70 фоизи эса кичик "ишчи"ларнинг ўзларига берилади.

Катта механик ва унинг ердამчилари ҳар кун эрталаб келишилган вақтда йигилишади. Келган буюртма ва сўровларга асосан корхоналарга тақсимланишади. Улар катта механикка иш жараёнида кўмаклаша бориб, ўзлари ҳам пухта ўрганадилар. Манший хизмат ускуналарини эса шу ерда, устахонада сошлашади.

Бадний тўғарақлар иши ҳам мактовга лойиқ. Болалар турли боғча, корхоналар билан шартномалар тузишади. Қайсидир боғчага юмшоқ ўйинчоқлар керак, қайсидир корхонага гулли безаклар. Қайсидир ташкилот дарахт пўстлогидан ишланган безаклар билан ўз хоналарини жиҳозлаши зарур...

Болалар ясаган нарсалар нима ҳам бўларди, деб ўйламанг. Уларнинг дўконлардаги маҳсулотлардан ҳеч бир фарқи йўқ. Болалар ўз

бошлаб бичиш-тикиш тўғарағи, тикув машиналари, мотоциклларни сошлаш, уй ишларига ердამ кўрсатиш тўғарақлари иш бошлаш арафасида. Яна жуда кўп бошқа таклиф ва фикрлар ҳам бор. Аммо уларни амалга ошириш учун талайгина маблаг зарур. Бугунги кунда болаларнинг маънавияти, куч-гайратларини тўғри йўналтириш учун ишлаётган бу биржанинг фонди оз. Борини ҳам улар тез-тез мукофот учун, рағбатлантиришга ишлатишмоқда. Хуллас, биржага ҳомийлар керак. Уйлаймизки, бундай танти, яхши ниятли келажақ авлод учун хизмат қиладиган ҳомийлар — ташкилот ва муассасалар ўз сўзларини айтадилар.

Болалар меҳнат биржаси ҳақида сўз юритар эканмиз, буларни ҳалол меҳнат қилишга, хунар ўрганишга чорлаётган, бу йўлда заҳмат чекиб, иш юритаётган биржа ходимлари ва унинг директори Ирина Николаевна Богуславскаяга миннатдорчилик билдиринг келади. Чунки, ҳалол меҳнатгина кишини чинакам инсон сифатида тарбиялайди.

**Д.ТУРАХМЕТОВА.
Тошкент шаҳри.**



Соат эрталабки саккизлар чамаси. Шаҳар ҳар кунгидай ўз иш кунини бошлаган. Стол устида турган телефон устма-уст жиринглайди:

— Алло, Болалар меҳнат биржасими? С. Раҳимов туманидаги ошхоналар трестига қарашли 12-ошхонадан безовта қиляпмиз. Бизга пул ҳисоблаш кассамизни тузатишга механик керак...

Хайрон бўлаётгандирсиз? Болаларнинг ҳам биржаси бўладими, болалар ҳам пул ҳисоблаш кассасини тузата олишади, деб. Ҳа, шундай

"Темур эвара кўрганлиги шарафига катта тўй тантаналарини бошлашга амр қилганидан сўнг, чодирда маҳфий даракчиларни қабул қилди..."

**"Амир Темур"
2-БЕТ**



Сиз орзиқиб кутган фарзандингиз дунёга келар экан, унинг характери қандай бўлишини олдиндан билгингиз келади. Буни билиб олиш мушкул эмас. Сизга узоқ йилги тажрибаларга асосланиб тузилган "тақдир рақамлари" системаси кўмаклашади.

**"ТАНИШИНГ:
СИЗНИНГ
ФАРЗАНДИНГИЗ"
3-БЕТ**



Олтинчи синф ўқувчилари ўртасида мусобақа ўтказиладиган бўлди. Ҳар учала синф ўқувчилари бир-бирларига топишмоқлар айтишиб, уларнинг топқирликларини, ҳозиржавобликларини синашадилар. Ғолиб, деб топилган синф мактаб томонидан қимматбаҳо совға билан мукофотланади.

**"ТОПИШМОҚ ҲИКОЯ"
4-БЕТ**



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Синовлар ортида қолди. Ёшларни Америка сафарига кузатиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Уларга Ёшлар Иттифоқи МКнинг биринчи котиби А. Орзиматов оқ йўл тилади:

— Америкаликларда бир ажойиб одат бор: сафардан қайтган ҳар бир америкалик тайёрадан тушган заҳоти хоҳ у бир киши бўлсин, хоҳ 100 нафар ўз давлати мадҳиясини баланд овоз билан куйлар экан. Бу эса она юрт меҳрини дилига жо



АМЕРИКАГА ДАМ ОЛИШГА БОРИШАДИ

қилган инсонларнинг садоқат намунасидир. Истардимки, ўзга юртларга сафарга отланаётган ёшларимиз ҳам давлатимиз мадҳиясини дилларига жо қилиб олсалар. Қолаверса, Америка дёрига қадам қўйган ҳар бир ёш ЎЗБЕКИСТОН деган мустақил давлат борлигини, унинг ўз Президенти, давлат байроғи, мадҳияси, қонун-қодалари, одамоҳун, танги халқи борлигини жаҳонга кўрсата билишлари лозим.

Ёшлар етакчиси сўзининг якунида гуруҳ аъзоларига Давлат мадҳияси, байроқчаси, мустақилликка бағишланган китоблар ҳамда таниқли

шоирларнинг истиклол ҳақида битилган шеърлари жамланган "Юртимда истиклол" номли китобчаларни совға қилди.

— Бундай ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад, — дейди гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон Ёшлар билимгоҳи проректори Баҳодир ака Қажомов, — авваламбор билим олишдир. Қолаверса, ўзга юртларда мустақиллик шарофати билан қайта тикланаётган кадрларимиз, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни намойиш этиш. Ўз-навбатида америкалик ёшларнинг турмуш тарзи, машгулотлари, ўй-фикрлари, қизиқишлари билан яқиндан танишиб қайтишдир.

Ёшларимиз оромгоҳда дам олиш билан бирга экология билан шугулланишади, иш-билармонлиқни ўрганишади, энг муҳими инглиз тилини янада мукамалроқ ўрганиб қайтишади. Ҳар кеч уюштирилаётган мусикий кечаларда ўз маданиятимизни, санъатимизни, ўзбекона жозибадор куй ва кўшиқларимизни ижро этиш ниятидамиз.

Бизлар ҳам Ўзбекистоннинг илк қалдирғочлари мисоли Америка сафарига отланган ёшларимизга оқ йўл тилаш билан биргаликда, сафар таассуротлари битилган мактубларингизни кутиб қоламиз, деймиз.

Ф.ЖАЛИЛОВА.

Суратларда: Америка сафарига жўнаб кетаётган ёшларни кузатиш маросимидан лавҳалар.

Суратқаш Р. АЛЪБЕКОВ.

Камзеҳнлиликнинг сабаблари

Табий тадқиқотчилар еш болалар қонида кўрғошин микдорини камайтириш орқали уларнинг зеҳнларини яхшилаш ва зукколик нисбатини орттиришга муваффақ бўлганликларини эълон қилишди.

Ўтган йилларда олиб борилган кўпгина илмий текширишларга қараганда, бугланган сув эки тупроқдаги кўрғошиннинг таъсири руҳни қоқоқлик, камзеҳнлилик, нормал ўсмаслик ва хулқ-атвор билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлади. Лекин, Америка тиббий уюшмасининг журналида чоп этилган бир мақолада бундай муаммоларнинг бир қисми бартараф этилиб, болага йўқотган закиллигини бир даража яна қайтариш мумкинлиги баҳс этилган.

Нью-Йоркда ўтказилган бир текширув бўйича, қондаги кўрғошин нисбати закилликка таъсир қиладиган даражадан 5,5 баравар кўпроқ бўлган бир еш билан 7 еш ўртасидаги 150 нафар болага кўрғошинлар нисбатини камайтириш мақсадида таркибда темир эки кальций моддаси кўпроқ бўлган махсус дорилар беришган. Айни вақтда кўрғошинга асосланган буюк таъсирини йўқотиш мақсадида мазкур болаларнинг уйлари ҳам мунтазам равишда текшириб турилган. Натижада, тадқиқотчи Джон Рузининг айтишича, мазкур болаларнинг зеҳнлари 3,5 фоизга юксалган. Тадқиқотчилар бу текширув натижаси қон таркибда кўрғошин нисбати озлиги билан закиллик нисбати ортиши ўртасида боғланиш борлигини кўрсатади, дейишади. Шундай бўлса-да, улар бу натижа бундай боғланишни исботлай олмаслигини тан олиб, ҳалигача тушунарсиз бўлган бошқа баъзи бир омиллар ҳам бўлиши мумкин, дейишади. Мазкур журналнинг бош мақоласида етакчи доктор

Сопендар бу текширув мураккаб ва айни вақтда танқидга лойиқдир, лекин бу соҳада тадқиқотлар давом этиши кераклигини акс эттиради, дейди. Қандай бўлмасин кўрғошин заҳарлашининг энг нормал манбаи — кўчаётган буюклар, кўрғошиндан ясалган трубалар, ифлосланган сув эки кўрғошинли енилли қолдиқлари сабабли бугланган тупроқдан иборат.

АҚШ ҳукумати енилли ва уйлар буюғида кўрғошин қўлланишини 70-йилларда таъқиқлаган эди. Шунга қарамай бу таҳдид АҚШ ва бутун дунё бўйлаб ҳали ҳам мавжуддир, чунки эски уйларнинг аксариятида кўрғошинли буюк эки кўрғошинли трубалар қўлланилган. Шунингдек, тупроқ ҳам автомашиналар қолдиқларидан бугланган бўлиши мумкин. Лекин, АҚШ тиббий уюшмасига қарашли журналда чоп этилган бошқа бир текширувда боладарда кўрғошин таъсирини камайтиришнинг бир йўли ўларок ифлос тупроқни жилдириш ҳам фойдасиз эканлиги билдирилган. Чунки уйлар атрофида булганган тупроқларни олиб ташлаган тақдирда ҳам мазкур текширувга кўра унинг болаларга таъсири оздир ва харажатига арзимайдиган даражада бўлган.

"САДО" халқаро-экспресс ахборотидан.



ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган йилдаги бир неча сонларида тарихчи олим ва журналист Ҳамдам Содиқовнинг тарихий-бадиий лавҳаларидан иборат "Амир Темури" номли асари билан таниша бошлаган эдингиз.

Шундан сўнг биз сизлардан бу асарни тўлалигича эълон қилишимизни сўраб ёзган мактубларингизни олдик. Муҳарририятимиз сизларнинг бу истакларингизга кўра асарни давом эттиришни лозим топдик.

Шундай қилиб, 1391 йили Темури лашкарлари Тўхтамышдан интиқом олиш учун Тошкентдан Орол денгизи томонга йўл олади. Оғир йўл азобларидан сўнг 1397 йили икки қўшин бир-бири билан Қундузча деган жойда тўқнаш келади. Учинчи кунги жангга Тўхтамышнинг байроғи настига эгилади ва Тўхтамыш лашкарлари Волга дарёси томонга қочади, кўп минглаб мўғул, рус, литва аскарлари дарёда фарқ бўлишади. Темури лашкарлари Волга дарёси бўйида базму жамшид бошлашади...

ЕЛДИРИМ БОЯЗИД

Темури эвара кўрганлиги шарафига катта тўй тантаналарини бошлашга амр қилганидан сўнг, чодирда маҳфий даракчиларни қабул қилди.

Улар Боязид шахси, турмуши, мулозимлари, халққа муносабати тўғрисида ахборот беришди.

— У жуда ақли, тадбиркор ва уста сиёсатчи, — деди даракчилардан бири, — мен халқ ўртасида султон ҳақида юрган кўп хикояларни эшитдим. Бир куни Брусса шахри қозиси Боязидни жавобгар сифатида маҳкамасига чақирибди. Гап шундаки, бева қолган Бестина исмли грек аели қозига султон устидан шикоят қилибди.

Богининг бир қисмини султон ўз боғига қўшиб юборган экан. Қози олдида Боязид оддий фуқаро сингари тик турган, даъвогар аёл эса ўтирган. Қози: "Оллоҳ олдида барча мусулмонлар тенг"лигини айтиб, айбдор ким бўлишдан қатъий назар шариат бўйича жазо олишини айтади. Беванинг ерини қайтариш, унга жарима тўлаш ҳақида Боязидга ҳукм чиқартиради. Султон эса бу ҳукмни ижро қилади. Бу воқеа қозининг эмас, балки Боязиднинг обрўсини ошириб, халққа машхур қилди. Авом унга ишонди, унинг учун жонини ҳам аямайди.

— Бир куни, — деди икки даракчи, — Султон порахўрликда қўлга тушган қозиларни жазолаш учун уларни бир уйга қамайди. Уларни тириклайин еқиб юборишни буюради. Аммо халқ бунга йўл қўймайди. "Ўзинг доим шариат қоидаларига риоя қиласанми? Турмушингда айбларга, нопок ишларга йўл қўймайсанми? Аввал ўзингга бок...

танангга ўйлаб кўр", — дейишади. Боязид уларнинг бу гапларидан сўнг қозиларни кечиради.

Боязид мачитлар курдирган, мусулмонларга эса гамхўр. Саройига машхур алломаларни тўплаган. Уламолар билан кенгашиб туради.

Темури беихтиёр ўзининг "Таржимаи холи"га битган сатрларни эслади. — "Мен, — деб ёзган эди у, — доим сайидларга эҳтиром билан қарайдим. Уламо ва шайхларни эъозлардим. Бу кишилар ҳар доим менинг мажлисимда иштирок этардилар. Уларнинг дин масалалари юзасидан айтганларини мен диққат билан тинглаб олардим ва аниқ бажарардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд бўлиб, ҳамма мендан миннатдор эди. Мазкур шахсларга муносабатимда подшоҳ ҳукуматининг воқеаси менга ибрат бўлди. Бу адолатли подшо бир кун лашкар йиғиб, Рай подшоҳи томон юриш қилган. Ўз лашкари унинг мамлакатига бораётиб, Қустантин ноғоҳ Рай подшоҳининг мажлисида сайидлар, уламолар ва шайхлар ҳозир эканлиги ҳақида эшитади. Бунинг билан сўнг Қустантин Рай салтанатини забт этишдан воз кечади ва лашкари билан тезда ортга қайтади. Ортига қайтганининг сабабини сарой аъёнлари ва лашкарбошиларга тушунтириб, Самовий деган донишманднинг китобида подшоҳлар мажлисида диний арбобларнинг ҳозир бўлиши муҳим нарсаси эканлигини



уқтиради. Ўша китобда айтилишича, "Агар подшонинг мажлисида диний арбобларни ҳозир бўлса, бу подшони ҳеч ким енголмайди, дейилган".

Демак, Боязидни ҳам енгиш мушкул эканлиги аниқ.

— Боязид сизнинг ерларингизга ҳам кўз тикмоқда, — деди даракчи, — у сизга тегишли вилоятларга нома юбориб, хирож талаб қилди.

— Нима? — Темури газабини босиб, даракчига ўткир нигоҳини тикди. — Демак мен унинг қарамоғида эканман-да?!

— Боязид мулозимлари Миср султони марҳум Барқуқнинг сиз ҳақингизда айтган гапларини тез-тез эслаб туришади. "Темури — бу чўл қуюни. Атрофини бузиб-янчиб ўтадию кетади. Боязид эса шу ерда муқим туради".

Сиз ҳинд ерларига кетганингизда эса Барқуқ қулиб шундай деган: "Чўлоқ тулки жуфтакни ростлаб қолди".

Темури ичидан босиб келаётган газаб алангасини ўчириб бўлмаслигини сезди. Лаънати Барқуқ! У ўзи хинд сафаридан аввал Мисрга аллома Сова бошлиқ элчиларни юборган ва Барқуқдан итоат талаб қилган эди. Шунда Миср Султони Боязидни паноҳ тутиб элчилар талабини рад қилди. Аллома Совани эса қатл этди. Ҳа, бу унинг юрагида турибди. Аллома қони интиқом талаб қилади.

— Боязид ашаддий душманингиз Қора

МУҲАРРИРИЯТДАН: Машхур фаранг темуришуноси, профессор Люсейн Керен: "Сизларда билмадим, Оврупа анча олдинроқ Темурига ўз эҳтиромини кўрсатган, унга Францияда олтиндан ҳайкал ясаган", — деган эди.

Бугунги кунга келиб эса буюк жаҳонгир, Шарқнинг улғ саркардаси, илм-фан ташкилотчиси ва ҳомийси, шавкатли бобокалонимиз Амир Темури хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги Марказий ҳибонга унинг номини бериш ва шу ҳибонга ёдгорлик ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу ёдгорлик мажмуини лойиҳалаштиришга республика жамоатчилиги, ёзувчилар, зиёлилар, меъморлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар ва тарихчилар кенг жалб этилган бўлиб, яратилиш ва қуриб битказилиш билан боғлиқ барча ишларни шу йилнинг 25 августигача тўла тугаллашлари зарур.

Ниҳоят, буюк соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг ёдгорлиги ўз она тупроғида қад кўтарилган бўлди.

Сиз орзиқиб кутган фарзандингиз дунёга келар экан, унинг характери қандай бўлишини олдиндан жуда билгингиз келади. Буни билиб олиш мушкул эмас. Сизга узоқ, йилги тажрибаларга асосланиб тузилган "тақдир рақамлари" системаси кўмаклашади. Бунинг учун сиз ўз фарзандингизнинг туғилган куни, ойи, йилларини бир-бирига қўшиб кўришингиз керак, холос.

Мисол учун: фарзандингиз 1989 йилнинг 9 декабрида туғилди. Уларни қўшиб чиқамиз:

$$9+1+2+1+9+8+9=39$$

Шундан сўнг бир хонали сон пайдо бўлгунга қадар натижаларни бир-бирига қўшиб борамиз.

$$3+9=12$$

$$1+2=3$$

Шундай қилиб, фарзандингиз "тақдир рақами" — 3.

У ёки бу "тақдир рақами" остидаги болада қандай хусусиятлар яширинганини қўйида ўқийсиз.



БИРИНЧИ рақам остида дунёга келган гўдак ўз ҳаётининг биринчи куниданоқ характерини намоён қила бошлайди. Жуда эрта мустақил бўлиб олган, бутун вужуди хатти-ҳаракатдан иборат болакай беш ешида шундай "ишлар" кўрсатадики, ўзингизни ўн ешга қариғандай ҳис қиласиз. Сиз унинг қачон юриб кетганию, қачон гапира бошлаганини ҳам сезмай қоласиз ва овқатланиб бўлгач, жимгина тўшакка кириб ухлаган пайтларини завқ билан эслайдиган бўласиз, холос. Биринчи рақамдаги болакайлар жуда пишиқ, пухта болалар бўлишганидан, улар ҳатто, ота-оналарининг эркалашларини ҳам унчалик хуш кўрмайдилар деб ўйлаш мумкин. Аслида ундай эмас. Уларни яхши кўришларини эслатиб туришларига жуда муҳтож бўладилар. Бундай болаларга ҳаракат қилишлари, ўйнашлари учун кенг жой керак. Бўлмаса ўзларини худди уйни остин-устун қилмоқчидай тутадилар.

Улар ўзларини мустақил деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам унга қаттиққўллик қилсангиз ёки бирон нарсада чеклаб қўйсангиз, катта кишилар сингари жасдлари чиққанининг гувоҳи бўласиз. Бола мустақил ҳаракат қила бошлаши билан, манеждан ташқаридаги "олам"ни билиб олиши билан сиз уни бошқа чегараланган жойда ушлаб, қола олмайсиз. У эркинликни еқтиради.

Бу болакайлар атрофдаги барча воқеа-ҳодисалар билан қизиққани учун уларнинг ҳар бир ютуғини қўллаб-қувватлаш ёки мақтаб туриш лозим. Улар эътиборга, уни суяб туришларига муҳтож. Шунинг учун ҳам сиз сабр-тоқат қилинг, фарзандингиздан меҳрингиз, муҳаббатингизни аяманг. Ва бу сизга фарзандлик муҳаббати бўлиб, албатта қайтгай.



"ТАҚДИР РАҚАМИ" иккинчи бўлган гўдак туғилишидан бошлаб жуда еқимтой бўлади. Умуман олганда бу рақам остида туғилган болалар бошқаларга нисбатан энг гўзал, ширинтой бўладилар. Улар киришувчан, ҳаракатчан ва беминнат ердәмчилардир. Бундай болалар бошқаларни хафа қилиб қўймаслик учун ўзларининг чинакам ҳисларини бекитишга ҳаракат қилдилар. Чуқур ҳиссиётли, уятчан болакай нотаниш одамни кўрганда кўпроқ онасининг орқасига беркинади. Гўдаклигидаги уятчанлик ўтиб кетиши биланоқ, иккинчи гуруҳдаги болалар (айниқса ўғил болалар) ўйинқароқ болаларга айланадилар. Ширинсўз, ҳозиржавоб бу болалар уларни кучиб-суйиб туришларини истайди. Агар уларнинг ҳаракатларини рағбатлантириб турмасангиз ёки мақтош камроқ бўлса улар сиздан бироз узоқлашиши мумкин. Фарзандингиз сиздан жуда кўп эътибор талаб қилади. Бу эътибор кейинроқ сизни ҳурмат қиладиган ўғлингиз ёки қизингиздан қайтади. Болангиз унга бўлган меҳр-муҳаббатингизни зинҳор унутмайди. Тарбия қилар экансиз, унинг муҳаббатини қабул қилишингиз, болада ўзига ишончни кучайтириб боришингиз зарур.



СИЗНИНГ ажойиб бу фарзандингиз — богчанинг юлдузи. Оллои таолло болаларга еқимтойлик, гўзаллик ато этаётганда сизнинг фарзандингиз бундай инъомдан фарзандан бўлганларнинг биринчиларидан эди. Учинчи рақам

остида туғилган еқимтой болалар доимо унинг гапларини эшитишларини, унга эътибор қилишларини талаб қилади. Ўғил болалар ҳар доим оналарининг эркалари, қизлар эса "отасининг қизи" сифатида эрка бўлишади.

"Учинчи рақам" агар елғиз фарзанд бўлса, яхши инсон бўлиб вояга етади. Бошқа фарзандлар бўлмагани учун ҳам ҳамма эътибор унга бўлгани сабаб инжиқлик қилмайдилар. Бундан ташқари, улар гапираётганда бошқаларнинг эътиборини жалб этиш учун бироз қўшиб гапиришни хуш кўрадилар. Тиниб-тинчимас бўлишига қарамай фарзандингиз мактабдаги ўқитувчиларнинг севимли ўқувчиси бўлади, шу билан бирга синфдошларини ҳам тинч қўймайдиган "шўх"лардан бўлади, деб тахмин қилинади. Унга ялтироқ нарсаларнинг барчаси еқади. Бу ялтироқ хиралашиши билан унга бўлган қизиқиши ҳам сўнади. "Учинчилар" — бошқа рақамлардагига нисбатан кўпроқ ўзларини яхши кўрадиганлардан. Шу сабаб ҳам уни койиш, ёки уришиб қўйиш ниятингиз бўлса, сўзларингизни яхшилаб ўйлаб гапиришингизга тўғри келади.



"ТҲРТИНЧИ" рақамлилар тоифасидаги болалар жуда имиллайдиганлардан бўлса — хафа бўлманг. Чунки улар рақамлар орасидаги энг пишиқ, ишнинг кўзини биладиганлардандир. Ҳаётининг биринчи кунлариданоқ сиз унга еқишингиз керак.

Сизга гўдагингиз эътибор ва кўмагингизга унча муҳтож эмасдек туюлади. Аслида эса бу чуқур ҳиссиётли

ТАНИШИНГ: СИЗНИНГ ФАРЗАНДИНГИЗ гўдакнинг характерини унинг туғилган кунидан билиш мумкин

болакай бошқаларга нисбатан ҳам кўпроқ меҳр ва муҳаббатга ташна. Аммо ундаги аллақандай ҳис буни кўрсатмасликка чорлайди. Бундай болалар рақамлар орасида энг жиддий болалар қаторига киради. Шу билан бирга фарзандингиз доимо сизнинг қўллаб-қувватлашингизни, унинг енида бўлиб, керак пайтда кўмаклашишингизни истайди. Одатда бу болалар шуҳрат ва тўкин ҳаётга етишишингиз узоқ йўлни танлайдилар. Аммо бу ишни жуда маромида охиригача етказишади.



ФАРЗАНДИНГИЗ бешинчи "тақдир рақами" остида туғилган бўлса, ўзингизни спортчи ҳисоблайверинг. Боланинг онаси ўзини она эканлигига кўникма ҳосил қилганига қадар кичкина "бузғунчи" хонадондаги энг қиммат нарсаларни бўлак-бўлақларга ажрата бошлайди. Ҳали бешикдалигидаёқ гўдак унинг мосламаларига қараб, бу "қамоқхона"дан қандай қутилиш йўллари кидиради. Ана шу "бешинчи"ларнинг ота-оналари манеж, электр улагичларга қопқоқ, шафларга кулфларни ўйлаб топишган, деб тахмин қилинади.

Фарзандингиз кўзи билан кўрган нарсанинг албатта таъмини татиб кўришни, ушлаб кўришни, ҳидлашни, эшитиб кўришни, диққат билан кўздан кечиришни истайди. "Бешинчи"ларнинг оналари ҳар доим турли хилдаги буюмларни сотиб олишга мажбур бўладилар. Неаки, ўйинчоқлар ва турли буюмлар уларнинг тез кўнгилларига уради. Уларни зериктириб қўймаслик учун доимо янги-янги ўйинчоқлар олиб беришга тўғри келади.




БУ РАҚАМ остида дунёга келганлар укалари ва сингиллари орасида ўзларини эркин сезишади. Улар доимо кимларгадир ғамхўрлик қилишни, кимнингдир устидан ҳукмронлик қилишни, ким биландир ўйнашни исташади. Бола бахтли оилада ўзини бахтиёр ҳис этади. Гўдагингиз баъзан еқимтой ва дўстона муомалада, баъзан эса аксинча — инжиқ ва қайсар бўлади. Шундай вақтлар бўладикки, бир зумда сизни хафа қилдию, яна дарров ҳаммасини ўз жойига келтиради. Одатда "олтинчи"лар ҳаётда омадга эрта эришишади. Кўпчилиги бошқалар олдидеги масъулиятни жуда эрта тушуна бошлашади. Уларни босиқлик ва жиддийликка, ҳис-ҳаяжонларини бошқариб боришни ўргатиб бориш

— ота-оналарнинг вазифаси. Бу болалар жуда ҳиссиётга берилувчан ва меҳрибондирлар, озгина бўлса-да танқид қилмоқ уларнинг кичкина оламларидаги тинчликни бузмоқдир. Улар ўз қобилиятларини тўғри йўналтира олишлари билан атрофдагиларни ҳайратга солишади. Шунинг учун ҳам улардаги ўз кучига ишонч ҳиссини қўллаб-қувватлаб боринг, муҳаббатига муҳаббат, меҳрига меҳр билан жавоб беринг. У сизнинг қолган умрингизнинг ҳаммасига куч бағишлаб туради. "Олтинчи" — бу юракдан пайдо бўлган боладир.



ГҲДАГИНГИЗНИ биринчи бор кўришингиз билан дунёга бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида бир инсон пайдо бўлганини сезасиз. Одатда, "еттинчи"лар — оғир-босиқ болалар. Агар болакай жуда ҳаракатчан бўлса сизни хафа қилишга мажбурмиз: улар рақамлар орасидаги энг табиати оғир болалар бўлишади. Бундай бола ўзига нима еқадию, нима еқмайди, аниқ билади. Сабзи егиси келмаяптими — мажбур қилманг. Агар ота-оналар болалари учун ҳозиржавоб ва эътиборли бўлсалар, энг оғир характерли бола ҳам уларга кўп қувонч бағишлайди. Ҳали гапиришни ўрганмасдан туриб, у сизнинг бирон нарсадан хафа бўлганингизни сезади ва кўнглингизни олишга интилади. Бундай ҳис-ҳаяжонни у ука-сингиллари, дўст-ерларига ҳам бағишлайди. Жисмоний жиҳатдан фарзандингиз унча фаол эмас, унинг кучи ақлий меҳнатга қобилиятлироқ. Йиллар ўтиши билан фарзандингиз кўпроқ елғиз қолишни еқтирадиган бўлиб қолади. Улар ўз ҳис-ҳаяжонларини бекитишга қодирлар, шунинг учун ҳам уларнинг кўнглида хавфсизликка ишончни пайдо қила билиш керак. Унинг ижодиётга бўлган қизиқишини ривожлантиришга ҳаракат қилинг — бундай болалардаги фазилатлар жуда кўп қиррали.



ЎЗ ФАРЗАНДИНГИЗНИ нотўғри йўлга кириб кетишини истамайсиз,

албатта! Аммо "саккизинчи" бўлиб туғилган фарзандингизга бир қарайсизу, билиб оласиз. У

бошқа рақамдагиларнинг ичидаги энг чиройлиси, еқимтойи (фақат кейинчалик, ўсмирликнинг оғир дамларидагина "фарзандимни биров алиштириб қўймадимикан?" деб ўйлаб қолишингиз мумкин). Йиллар ўтиши билан фарзандингиз ўзи истаган меҳр-муҳаббатга эришаётганини сезади. Умуман олганда уларнинг характерлари ёмон эмас, шундай бўлса-да, ота-оналар керак пайтда яхшилаб қўлга олган ҳолда уларни тизгинлаб турганлари маъқул.

Аммо эҳтиёткорлик билан иш кўринг. Улар жуда шўх бўлишларига қарамай, жуда ҳиссиётли ҳамдирлар. Саккиз рақами куч ва ҳукмдорликни билдиргани учун ҳам болаларга жуда ешлигидан ёмонни яхшидан ажраттишга, ўргатиш зарур. Бу чакмоқмисол бола жуда талабчан, ўзини жуда яхши кўрадиган ва биронинг фикри билан ҳисоблашмайдиган кишилар қаторида вояга етади.



ФАРЗАНДИНГИЗ — сизнинг ўқитувчингиз. У улғайгунга қадар сиз ундан кўп нарсани ўрганиб оласиз. Бу ажойиб кичкинтой кучли қобилияти, бой дунёқарши билан ўзига тортувчи аллақандай кучга эгадир. Бошқалардан ўзгача гўдак ўзининг фикрлари билан сизни ҳайрон қолдиради. Вақти келганда у инжиқ болакайга айланади, аммо бу сизга унчалик қийинчилик туғдирмайди. Улар камдан-кам ўз фикрларини ўзгартирадилар. Ута синчков кичкинтойнинг қизиқишларини қондиришга ҳаракат қилинг. Оламдаги барча воқеа-ҳодисаларни ўрганиб борсин.

Ота-оналар ўйинқароқ, шўх бу болакайлариинг жиддий, фикрловчан кўнгли ҳам борлигини тез-тез унутиб туришади. Кичкинтойларнинг қалбига қулоқ тутинг — уларнинг қаршилик қилишларига қарамай сўйинг, эркаланг, Келажакда, албатта, самимий ва ғамхўр фарзанд вояга етказганингизни кўриб қувонасиз. Қаерда ва қандай ҳолатда бўлишмасин улар, албатта, сизнинг қучоғингизга қайтиб келишади.

"МИРАЖИ ДАЙДЖЕСТ" ҳафтаномасидан.

ЎҚИТУВ ЧИНГИЗ ИЖОДИДАН

Муаллимамиз
билагон

Биласизми, Бунёджон
Биринчида ўқийди.
Муаллими ҳақида
Мақтаниб шундай дейди:
— Муаллимамиз билагон,
Ҳаммадан кўп билади.
Биз билан ўқигани
Директор ҳам келади!
Директорнинг бўйлари
Ҳаммамиздан ортиқ-да

Шунинг учун доимо
Ўтиради орқада.
Директор бўлсалар ҳам,
Интизоми яхшимас —
Битта дарсда келар-у,
Бир неча кун қатнашмас.
Яна ёмон одати —
Тингламай, ёзиб турар.
Бизлар жуфт ўтирамыз,
Улар ёлғиз ўтирар.
Муаллимамиз шунақа —
Ҳаммадан кўп билади.
Бошқа муаллимлар ҳам
Ўқигани келади.

Қаҳрамон НОРБ ОЕВ

ЎЛКАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ



Қосим аканинг хонадонига ташриф буюрган киши беихтиёр ажабланиб қолади. Унинг музейдан фарқи йўқ. Бу ерда қадимда буви ва бубаларимиз ишлатган уй жиҳозлари, қумгон, декча, хумчалар, кумуш танга ва тақинчоқлар, турли хилдаги кийимлар мавжуд. Ҳазиллашиб Қосим акадан сўраймиз:

— Буларни нима қиласиз?

Жавобидан эса маълум бўлади. Ўлкашунослик ва этнография билимдони, тиниб-тинчимас Қосим акада узоқ вақтдан буён ўлкашунослик музейи ташкил этиш фикри тутилган эди. Бунинг учун аввалда экспонатларга арзирли буюмлар йиғиш зарур бўлди. Бу ишда эса унга ўзига ўхшаб тарихга, ўз ўлкасини ўрганишга қизиқувчан болалар кўмаклашишди. Уларнинг изланишлари натижасида музей очишга арзирли экспонатлар топилди. Бугун Қосим ака Ўқубовнинг орзуси рўёбга чиқди. Бекобод тумани Болалар ижод уйи қошида Ўзбекистон халқлари санъати, маданияти, тарихи ва этнографияси музейи ташкил этилди. Эндиликда бу ердаги кўргазмаларни мактаб ва маҳаллалар аҳли келиб кўриб, бой тарихимиз маълумотларини ўрганишмоқда.

СУРАТДА: болалар музей кўргазмаларини томоша қилишмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



Азиз фарзандимиз КАМОЛАХОН!
Туғилган кунинг муборак бўлсин. Ушбу қувончли кунда қалбингни чулғаган барча шодликлар, қувончлар ҳаммаша ҳамроҳинг бўлсин. Аълочи ўқувчи, ораста қиз бўлиб улгайгин. Оллоҳдан камолотингни тилаймиз.
Ҳаётингда бахт ва шодлик тилаб: даданг, бувинг, ота-онанг, акаларинг Маъруфжон, Акмалжон ва уканг Икромжон.
Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Тошкечик кўчаси, 109-уй.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.



Тел. рақами:

ЎЗБЕКИСТОН ЎШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
Газета 1229 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан
чоп қилинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқарди

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.



Олтинчи синф ўқувчилари ўртасида мусобақа ўтказиладиган бўлди. Ҳар учала синф ўқувчилари бир-бирларига топишмоқлар айтишиб, уларнинг топқирликларини, ҳозиржавобликларини синашадилар. Ғолиб, деб топилган синф мактаб томонидан қимматбаҳо совға билан мукофотланади.

Мен 6-“А“да ўқирдим. Синфимизнинг биринчи рақибини “В“, кейингисини “Б“. Рақиб иккита бўлгандан кейин маҳкамроқ тайёрланиш керак. Ҳеч ким халақит бермасин, деган ўйда синфдошларим билан мактаб орқасидаги дарахтзорга ўтдик.

— Ҳамма хаёлни бир жойга тўпласин, — дедим, — биз яхшилаб тайёрланишимиз, машқ қилиб олишимиз лозим. Тагин ютқазиб ўтирмайлик... Қани бошладик, топинглар-чи?

Икки япроқ бир танда, ёзда кезар чаманда?

— Капалак, — деб пичирлади Мурод.

Топишмоқ ҳивоя

— Тўппа-тўғри. Оқ ер очдим, қора бугдой сочдим.
— Дафтар, — деди бошқаси.

Шунақа топишмоқ айтишиб ўтиргандик, олдимизга қаёқдандир Жалил исмли бола келиб қолди. У биздан икки синф юқори ўқирди. Доимо ип билан осиб юрадиган сумкаси ўзига ўхшаб ориқ, ичида икки-уч дафтардан бошқа ҳеч нарса йўқлиги билиниб турарди.

У яқинроқ келиб ёнимизга чўқди.

— Нима қилаяпсизлар? — секин сўради.

— Топишмоқ айтишяпмиз, — дедим истамайгина, сўнг тўлдирдим. — Мусобақа бўлиши керак эди, шунга...

— Топишмоқ? — у жилмайди.

Орага жимлик чўқди. Жалилга “Сен бизга халақит берайсан, кет!“ деб негадир айтолмасдим.

— Ўзи битта, қулоғи тўртта? — яна давом этдим.

— Қийинроғини бер, — деди Мурод жаҳл аралаш лабини буриб.

— Қийинини билмайман-да.

— Бўлмаса уйга кетаверайлик-а? — деди Нодир.

— Мен айтмайми?

Ҳаммамиз ялт этиб Жалилга қарадик. У жилмайиб жавоб кутиб турарди.

— Ҳа, айт, Жалил, айт! — Мурод қувонгандан энтиқиб кетди.

— Лекин менинг топишмоғим сенларникидан анча фарқ қилади.

У шундай деди-да, ҳаммамизга бир-бир қараб давом этди:

— Бир кишининг тўртта фарзанди бор экан. Далада

тер тўкиб топган бор пулини оиласига сарф қиларкану, аммо барибир болаларини яхшигина кийинтиришнинг уддасидан чиқолмаскан. Уларнинг бир сигири ва битта товуғидан бўлак ҳеч вақоси йўқ экан. Оилани “тебратиш“ шу сигири зиммасидамиш. Бир кунни катта ўғли сигирини далага олиб чиқибди. Эрталабдан то кечгача ёнидан жилмай боқибди. Кечга яқин сугорибди. Сигир уйга келгунча ҳансираб, пишиллаб оғзидан кўниги кела бошлабди, оғилхонага кирибдию қулабди. Отаси: “Нимага ўлдириб қўйдинг, ярамас?“ деб ўғлини роса



урибди. Бечора болада эса ҳеч ҳам айб йўқ эди. У: “Сигирим дамламаганди-ку, нимага бирдан бундай бўлиб қолди?“ деб ўйларди-ю, аммо ўйининг адоғига етолмасмиш. Хўш, айтинглар-чи, сигир нимадан ўлган? Бу — бир.

У бир тўхтаб яна бошлади.

— Ўз тугаб, ўқиб бошланди. У ҳар кунни мактабга бориб дарсга кирса, кўзлари ўз-ўзидан юмила бошларкан. Кейин бошини парта устига қўяркану, ухлаб қоларкан. Муаллимнинг уришишлари ҳеч ҳам таъсир қилмасмиш. Ундаги бу ҳолат фақат қишгача давом этаркан. Хўш, унинг ухлаб қолишига сабаб нима?...
Мана, сенларга топишмоқ. Бир эмас, иккита. Улар ўзларича мулоҳаза қила бошладди:

— Менимча, сигир жуда тўйиб кетган. Ўша бола сигирнинг дамлаб қолганини сезмаслиги ҳам мумкин-ку.

— Ҳа, кейингисини мен айтай, — деди Нодир. — У болада қишгача кўзгаб турадиган ухлаш касаллиги бор-да...

— Тополмадиларинг, — деди Жалил ва индамай кетворди. Биз эса бир-биримизга қараганча қолавердик.

Азиз тенгдошлар! Бу икки топишмоқ жавобларини балки сиз топарсиз?

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,

Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги “Правда” жамоа хўжалиги.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

НИҲОЛ

Куртаклар бўртиб, кўз очаётган пайт. Ток очаяпмиз. Новдалар худди қўлбоғидан бўшашган чақалоқнинг оёқ-қўлларидай яйраб кетади.

Тупроқ тортаётган кетмонимнинг учи ногоҳ бир новданинг ярмигача кесиб, сув қонини оқизади. “Новда чайир тортиб пишгунча қанча меҳнатларим сингиган, меҳрим кўри тўқилган. Наҳотки, энди тик туролмай, танидаги “қони“ лак-лак оқверса?!” Пешонамга боғланган оқ рўмонимдан йиртиб, новданинг чопилган жойини бир-бирига зичлаб боғладим. Яраси битиб, ҳосил қилишига ишончим комилу, юрагимнинг аллақаси симиллаб ачишади.

— Товба, — дейман бу ҳолдан,

— жангда яраланган фарзанди учун онаси қандай азоб чекканкин-а?

ЯРАЛАНГАН
НОВДА

Шаршара тўлқинларининг урилишидан метинга айланган қирғоқдаги ниҳол туну-кун безовта, доимо чайқалиб туради.

Тўлқин шаршаранинг измида қирғоққа урилиб, орқага қайтишига қўймайди. Ниҳолдан хавфсирайди: “Шўрлик зарбимдан

узрилиб кетса-я“.

— Далговли жойда нима қиласан? Сенга ачинаман-у, иложим қанча. Тинчроқ жойини ошён этақолсанг-чи, — дейди тўлқин ниҳолга урилиб.

— Бегона тинч жойдан униб ўсган далговли жойим — ўз Ватаним яхши. Қийналсам ҳам уни тарк этолмайман.

Ниҳол тўлқиннинг зарбидан очилиб қолган илдиз-панжалари билан “Она тупроғим!“ дея қирғоқни ушлаганча умид билан яшайди.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур районидagi. 115-ўрта мактаб томонидан Хошимов Ғайрат Раҳматуллаевич номига 1989 йил 27 июнда берилган Д 788828 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги йўқолган

АТТЕСТАТ
бекор қилинади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги “ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компютерерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г — 339. 33349 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6